

**Нодир ЖОНУЗОҚ**

**СИЗНИ  
СЕВАР ЭДИМ**

*шеърлар*

**«Zarqalam»**

**Тошкент**

**2006**

*«Сизни севар эдим...» Бу сўзларни тилга олмаган ёки хаёлидан ўтказмаган киши бормикан?! Севги – инсон ботинини поклайдиган, уни юксақларга кўтарадиган илоҳий қуюн, тўфон, аланга... Нодир Жонузоқнинг ушбу тўпламида ана шу соҳир туйғу асосида битилган, турли йилларга мансуб шеърлар жамланган. Умид қиламизки, бу тўплам ишққа ошно кўнгилларга яхши тухфа бўлади.*

Муҳаррир:  
**Баҳриддин Абусаид**

Рассом:  
**Ортиқали Қозоқов**

Техник муҳаррир:  
**Ихтиёр Саид**

Мусахҳиҳ:  
**Ориф Тўхташ**

© Н.Жонузоқ,  
2006 йил

## **Шаррос шеър шуъласи**

### **ёки ҳиссий ўт**

#### **Тоза туйғу, тоза шеър...**

Нақадар оддий, соғда ифода. Нақадар кучли, теран қоида. «Сизни севар эдим...»-нинг қўлёмасини ўқиб, оддийликдан мураккабликкача, соғдалиқдан теранликкача бўлган сатрлар масофасини, шеърий йўлни ҳисларим билан юриб ўтгандек бўлдим. Бу масофа, бу йўл мени шоирга эмас, ўзимга яқинлаштирди гўё.

Замон шоири шоирлик қиёфаси эмас, бир неча ҳаёт билан яшайди, назаримда. Ишқ-муҳаббат, иш-меҳнат ҳаёти, рўзғор-турмуш ҳаёти, дўст-биродарлар (агар бор бўлса) ҳаёти... Шеър ҳаёти эса уни бу нарсалардан доимо чалғитиб туради. Яшашига халақит беради. Балки шу

#### **ҳиссий ўтда**

Нодир Жонузоқ Парфининг «Фақат шоир ҳақли бахтсиз бўлмоққа...» мисрасини эслайди. «Мен-ку яшаялман синса-да торим...» — Шоир шу ҳаётнинг барчасида баравар яшаш азобини бошидан кечирмоқда.

«Сизни севар эдим...» бир неча мустақил

шеърлардан таркиб топган. Лекин китобда ягона лирик қаҳрамон — МЕН бор. У шеърларда ҳам, дostonда ҳам тентираб юраверади. Китобнинг охири саҳифасидан кейин эса ёнингизга келиб ўтириб олади. Сиз билан ўтириб-туради. Сиз билан юради...

**Уни ҳайдай олмайсиз.**

Унинг юраги эрталабки кўшга ўхшаيدди. Сизга ҳайрат билан қарайди. Дунёни севади. Кўрган нарсалари уни қониктирмайди. Бировданмас, ўзидан хафа.

Лирик қаҳрамон — Гул. Қўлларгина эмас, нигоҳлар ҳам унга озор беради. У озурда...

Бу китоб ошиқ одамга ўхшабди. Табиатли, руҳли, кайфиятли...

**Муҳими шу.**

Кимдир китобни маҳзун, кимдир тушкун, кимдир жўшқин, кимдир сокин дейиши мумкин. Тўғри. Лекин бу

**муҳим эмас!**

Шу шеърлар меники бўлса эди. Кошки... Китобни ўқиса, кишида шундай истак пайдо бўлади.

Лекин бошқага ўхшамаган бу шоир

**Нодир Жонузоқ!**

Ва ҳамиша шундайлигича қолсин!

**Салим АШУР**

2005 йил, 16 декабр

Наҳот ишқ дегани сўнгсиз муаммо,  
Наҳот бу ғамларнинг йўқдир ҳеч ҳадди?!  
Сенинг кўзёшингни билмайман, аммо  
Менинг юпатишга сўзим қолмади.

1994

\* \* \*

Бу чексиз коинот ичра бу Замин,  
Бу замин ичида ягона Ватан,  
Бу ватан ичида ҳорғин бир қишлоқ,  
Бу қишлоқ ичида жим-жит бир ҳовли,  
Бу ҳовли ичида хаёлчан бир қиз,  
Бу қизнинг кўксида эса бир юрак,  
Юракда нима бор, афсус, билмайман...

1994

\* \* \*

Осмон мовий эмас учгудек,  
Жуфт-жуфт қушлар ҳавас келтирмас.  
Гуллар гўзал эмас қучгудек,  
Гизлаганим гўёки сирмас.

Гўё руҳсиз кўринган ҳар жон...  
Шовдираган хазонлар чинми?  
Томиримда совигандай қон -  
Сени, сени... севмай қўйдимми?!

1994

Севаман -  
Энг яқин дўстимни,  
Фанимни севаман баттарроқ.  
Севаман баъзида ўзимни,  
Сизни-чи, яна-да қаттиқроқ...

Севаман -  
Нафратни, гоҳида  
Май янглиғ симиргим келади.  
Савашиб рақобат тоғида,  
Тошларни кемиргим келади.

Севаман -  
ғалаба тонгини,  
Кўнгли бўш кунларни севаман.  
Севаман юлдузлар бонгини -  
Ишқ юки ортилган теваман.

Севги - кўл, юрагим қайиқдир,  
Ҳар тўлқин солади ларзага...  
...Ва яна севгимга лойиқдир  
Ҳеч кимса севмаган нарсалар...

Севаман -  
"Хўш, тагин нени?" деб,  
Жилмайган қизнинг шўх кўзини.  
Севаман...  
Севаман...  
Севаман...  
Севаман "севаман" сўзини!..



Ишонаман сизга, азизим,  
Фақат мени севасиз, фақат -  
Ўпич учун бир менга изн  
Берасиз-у ётга йўқ шафқат.

Турна бўлиб учар қошингиз,  
Қабоғингиз шимади шафақ.  
Шаб шаробин ичар сочингиз,  
Кипригингиз - ҳилол, муҳаққақ.

Бармоғингиз атиргулдай хуш,  
Кўйлагингиз ёқаси бурма.  
Кўксингизда гунчалар беҳуш,  
Пойингизга қадалган дурми?!

Нур элаган ойдаи юзингиз  
Биламанки, фақат мен учун.  
Демак, чиндир айтган сўзингиз,  
Демак, мени севишингиз чин.

Тун торайиб боради аста,  
Хаёлотта базўр сифасиз.  
Мени ўйлаб ухлаёлмасдан,  
Ёстиқ тилин тишлаб чиқасиз.

Туйғуларим алдамас сира,  
Ҳеч бир қизни сиздай суймадим.

Тарқаб кетар олис хотира -  
Ўзгаради юрак қиймати.

Хумда тиниб пишган ғўраман,  
Кўҳна майдай кўпирар қоним.  
Фақат сизни яхши кўраман,  
Фақат сизни ўпаман, жоним!

1995



\* \* \*

Сочингизни ўргим келади,  
Лабингизга ботириб лабни.  
Кўнглингизни кўргим келади,  
Айтсам дейман бир инжа гапни.

Шамолдайин шошасиз аммо,  
Совриламан ҳар бир аъмолда.  
Юрагимни кўтаролмайман  
Суяклари синган ҳаммолдай.

Кўчангизни пойлайман кун-тун,  
Кўчага ҳам чиқмай қўясиз.  
Тўяжакман ичавериб хун,  
Сиз-чи, мени қарғаб тўясиз.

Кетолмайман - юрагим оғир,  
Отангизнинг дуойибаъди -  
Уриб, ўлиб қолсам ҳам охир,  
Остонангиз қабрим бўлади.

Юрагингиз дўндими тошга -  
Сиз ҳам битта қалбга эгасиз.  
Мени рад қилсангизам, бошқа  
Қайси бир суллоҳга тегасиз!?

Қаерим кам? Кўнсангиз агар,  
Нима қипти - нима қилайин?!  
Сизни дея ичмоғим заҳар,  
Сизни дея яшашим тайин.

Қучоғимни очиб қўйдим ланг,  
Қушлар қўнар қўлимга бир-бир.  
Келинг, фақат қувиб ҳайдаманг,  
Сизни яхши кўраман, ахир.

Сочингизни ўргим келади,  
Лабингизга ботириб лабни.  
Кўнглингизни кўргим келади,  
Айтсам дейман бир инжа гапни...

1995



\* \* \*

Кечирасиз, қўлимдаги най...  
Саҳроданми топиб олибман.  
Кечирасиз, ўзим ҳам билмай,  
Сизни яхши кўриб қолибман.

Кўксингиздан силқиган алам  
Кўзларимга куй бўлиб сингмиш.  
Қўлимдаги ўйноқи қалам  
Чидаёлмай охири синмиш.

Томчилаган ҳар ашқингизни  
Ток сувидай симирдим роса.  
Талаб қилиб ҳур ишқингизни,  
Сархуш кўнглим бўлди дарбоза.

Энди сиз ҳам, азизам, илло,  
Кадарларнинг қаҳрин унутинг.  
Янги орзу-истаклар ила  
Дарвозамнинг дастагин тутинг.

Нима дейсиз - қулоқларим динг,  
Ўйлаб кўринг яхшилаб, майли.  
Рад қилсангиз, саҳрога отинг  
Қўлимдаги шу ўксик найни.

Отасизми, билмадим, фақат  
Отсангиз гар, қўл силкиб илкис -  
Уни тутиб олади албат  
Куй кўйида куйинган бир қиз.

Сўнг у менга дейди: "Ушбу най...  
Саҳроданми топиб олибман.  
Кечирасиз, ўзим ҳам билмай,  
Сизни яхши кўриб қолибман!.."

1995



## Дарс

Дарсхонага кирасиз шошиб,  
Ёнимдан "ғув" ўтиб кетасиз.  
Ўзингизга лойиқ йўл очиб,  
Жойингизга қушдай етасиз.

Ўтирасиз (ахир, бу дарс-да)  
Ваъзлар сифмас дилхонангизга.  
Пичир-пичир қиласиз, аста  
Сирғалиб ён дутонангизга.

Ҳис қиламан: ғийбатингиз - мен,  
Пўртанадек қўпгим келади.  
Сочингиздан тортқилаб, кейин...  
Кейин...

...йиғлаб ўпгим келади!

1995

\* \* \*

Оқ олма  
Самонинг бўғзида шишади,  
Оғзида ёрилар ҳар оқшом.  
Бекорга томоғинг тушади -  
Ҳали хом, ҳали хом, ҳали хом...

Зард олма...  
Жаннатми, дўзахми, аросат -  
Боғидан бўйлайди ҳар хобга.  
Тишлама - ичи лиқ қарсанг,  
Зардобга, зардобга, зардобга...

Қизил олм...  
Кўксимда симиллар - сертитроқ,  
Йигирма йил қақшаб қишлаган.  
Олсанг ол...  
Олсанг ол-ку, бироқ -  
Бир чети са-а-л-гина тишланган...  
...ОЛ -  
ма...

1995



\* \* \*

Сенинг йўқлигингда -  
ҳур қизлар келди,  
қитиқлай бошлади инжа бармоқлар...  
Жим туравердим.

Бўсалар лабимни қонталаш қилди...  
Жим туравердим.

Бурчакка отилди кийимларим ҳам...  
Жим туравердим.

Эшик тақиллади,  
(Сенми эдинг у?!)  
Ҳаммаси бир зумда ғойиб бўлди...  
Жим...

Сенинг йўқлигингда -  
ҳур қизлар келди,  
Бақириб ичимда "керакмас!" дедим.  
Сенинг йўқлигингда ҳур қизлар келди,  
Сенинг йўқлигингда мен ўлган эдим!..

1995

Ўлаяпман - ранжиманг тагин,  
Қололмайман бу ерда собит.  
Атиргулнинг шохчаларидан  
Ясаганман ўзимга тобут.

Жар солади мушфиқим - сабо,  
Чорлайверар дўсту ғанимни.  
Меҳмон бўлган Азроил бобо  
Шабнам билан ювар танимни.

Ҳаётимни муқаддас билиб,  
Урфу-русум қилурлар ул-бул.  
Шеърларимни тиловат қилиб,  
Жанозамни ўқийди булбул.

Япроқчалар солади уввос,  
Ўксимасин майсалар нега?!  
Кўмиламан энг тоза, энг соз,  
Энг чиройли гулнинг тагига.

Кўм-кўк рангга киради жониб,  
Чайқалади зил-замбил ҳислар.  
Юрагимни алвондай ёпиб,  
Тобутимни кўтарар қизлар!

- Камалакнинг қайси рангига  
осилайин:

оқ,  
қизил,  
яшил?..

- Камалакни нима қиласан -  
Кел, менинг қошларимга осил!

- Ҳисларим - муз, ўтда қайнаган

Қилич керак, умидим - чақин.

- Нигоҳимни ҳилол қайраган,  
Келавергин, оласан ҳаққинг.

- Осмон қўймас...

...қушга тўлади -

киприкларим,

қароғим - нурга...

- Кел, кўзларим осмон бўлади,

Қабоғларим бўлади турна...

- Мени кўқдан қилмагин жудо,

Менга илоҳ керак, билдингми?!

- Сенга худо керакми, худо -

Кўксимга ҳеч назар қилдингми?!

-О!..

Йиғлама...

Қўйгил... учайин.

Қийнамагил - мен ёш боламан.

Ахир, сени қандай қучайин,

Ахир, қандай қамрай оламан!?

\* \* \*

Уфқ  
Лабларингдек  
қизил...  
Ўпгим келяпти...  
Титроқдай кечади турналар...  
Қайрилган  
кипригим  
учида  
инжу...

Бўғзим шишиб бормоқда секин,  
Жангдан қочиш демак жим турмак.  
Сени ўпмоқ истайман, лекин  
Ботмоқда юрак -

Қуй...ёш!..

1995.

Сен мени севмадинг...  
Қучоғим кериб,  
Самога учдим-у булутни қучдим.  
Ошиқлар назари тегди-ю эриб,  
Томчилаб-томчилаб лабингга тушдим.

Марварид, инжу, дур, ёқут, гавҳар, зар -  
Эзилиб-тизилиб йўлимни безар.  
Ҳисларим лолазор ичинда кезар -  
Томчилаб-томчилаб лабингга тушдим.

Бир сеҳр кўрдим-у жимираб кетдим,  
Кўзларим қамашиб, симилаб кетди.  
Юрагим Заминдай қимираб кетди,  
Томчилаб-томчилаб лабингга тушдим.

Энди мен сенинг энг гизли сиригман,  
Энг маҳзун қўшиғ-у гўзал шеърингман.  
Заҳардан аччиғ-у болдан ширинман,  
Томчилаб-томчилаб лабингга тушдим.

Энди сен нигоҳи қуш қизболасан,  
Гоҳ кулиб, гоҳида йиғлаб оласан,  
Барибир... сен мени севиб қоласан -  
Томчилаб-томчилаб лабингга тушдим,  
Тилингда сақлаган сиригни ичдим!..

Ёнаётган дилмас, аслида  
Ёнаётган - шу қовжироқ куз.  
Тарозили чаён фаслида  
Сизни ташлаб кетяпман, афсус...  
Тортилади изларим таранг,  
Кўзингизга урилар охир.  
Ўзингизни тутасиз аранг,  
Қўл силтамоқ... барибир оғир.

Нима қилай, қучоғин очса -  
Ҳувиллаган ёлғизлик тахти.  
Бошимиздан хас-хазон сочса  
Қувраётган олма дарахти...

Тегра - қуюқ, тегра - бўғиқ, дим,  
Икки дилга сифмас дардимиз.  
Сизни ташлаб кетмасам эдим,  
Мени ташлаб сиз кетардингиз!

Истамайман -  
қароғдек қуриб,  
кейин қумга тўлишингизни.  
Хурлиқодек пок бўлатуриб,  
Гуноҳга фарқ бўлишингизни...

Шунинг учун фидо бўлай деб,  
Балоларга тутаяпман юз.  
Тарозили чаён нишин еб,  
Сизни ташлаб кетяпман, афсус...

\* \* \*

Азроил ҳуштагин чалган чоқ  
Қиладиган сўнгни тавофим -  
Пойингизни қучиб йиғламоқ,  
Эй, менинг энг катта Савобим.

Меҳроб бўлар гирдингиз, ёр-а,  
Жойнамозим - нурли соянгиз.  
Сиз тоғсизки, кўксимни ёрар  
Кўзингиздан учган қоянгиз.

Зириллайман... Сўнгагим зув-зув  
Эланади - кўпчийди сирлар.

Юрагимдан тўкилар дув-дув  
Йигирма йил қатланган кирлар.

Бегуноҳсиз... О-о-о... Ҳисларингиз  
Муқаддасдир нақ Самарқанддай.  
Бу даврадан не изладингиз,  
Бу даврада яшайсиз қандай?!

Парчаланар рубобу удим,  
Жаранглайди унсиз қўшиқлар.

Қўшиқ бўлиб тинди вужудим,  
Зора, энди руҳим қўшилар.

Руҳим сизга...

Талош жасадим,

Ғажилар кўр нигоҳлар чоҳи.  
Гардингиздан масжид ясадим,  
Эй, менинг энг катта Гуноҳим!

1996

\* \* \*

Яшил кўйлақларим тугади бу кун,  
Ҳаммасини дунё кийиб кир қилди.  
Елкамни синдирди қуёшнинг юки,  
Камалақдай таранг пайим қирқилди.

Осмонни чайнаган булутлар - аждар,  
Кўзимнинг кўзига пуркайди олов.  
Митти юрагимнинг юраги санчар,  
Митти юрагимнинг юраги - талов.

Менинг гуноҳим не?!

Зор кутганимми -  
Наврўзу Лайлатулқадрда сени?  
Сенсиз Қилкўприқдан тоқ ўтганимми,  
Кўзларим ёшидан излаб аксингни?

Пиёздай арчилик боради Замин,  
Юрақдай емрилар зарба еб, маъюс.  
Менинг баҳоримга ким бўлди зомин,  
Менинг баҳоримга тегди қайси кўз?!

Тамаки тутуни - титилган руҳим,  
Жоним оқ шишада буралар қирқ бор.



Қаро қароғингда қайғу шукуҳи,  
Оппоқ либосларни куйдирган, эй ёр.

Сенинг ҳам, менинг ҳам йўлларим ёнди,  
Яшил кўйлагинг кий -  
Висол кўламин.  
Наврўзи оламда туғилдим, энди -  
Лайлатулқадрда ўламан!..

1996



\* \* \*

Айрилиқ - энг қадимий шароб,  
Шу шаробни ичгим келганди.  
Ичавериб бўлсам-да хароб,  
Сиздан аста... кечгим келганди.

Ногоҳ чўкиб қолаяпман тиз:  
Оҳ... аҳдингиз аҳдимни енгди -  
Мендан шартта... кечиб қўйдингиз,  
Сиздан қандай кечаман энди?!

1996



## *Нилуфар* (гостон)

"Мен сени севаман" -  
Ёдимда ҳам йўқ,  
Қачон, кимга дедим,  
Кўзладим нени...  
Менинг хаёлим - кўк,  
Менинг кўнглим тўқ -  
Баридан ортиқроқ кўраман сени...

### 1

Умрим ниҳол эди, манзилим - фалак,  
Ернинг чақмоқлари синдирди туйқус.  
Кўнглинг паноҳ бўлди, нигоҳинг - тиргак,  
Нилуфар, ўн тўққиз дардим олган қиз.  
Кимдандир воз кечдим, недандир тондим,  
Кимнингдир юзига тупурдим қаттиқ:  
Йўқ, йўқ, ўзимгамас - сенга ишондим,  
Юрагим кўзини тешиб ўтган тиг.  
Менга беришмади покиза кулоҳ,  
Ҳилол орзусидан қилдилар жудо.  
Худони унутдим... астағфируллоҳ...  
Эҳтимол, мени ҳам унутди Худо...  
Йўлимда изғиди оламушуклар,  
"Пишт" дедим, ҳаммаси тўнғизга дўнди.  
Юзимга урилди очик эшиклар,

Эшиклар кўнглимни қуйқага кўмди.  
О-о-ҳ, дедим,  
Майлига, ўтмишим - айро,  
Бугуним - ярадор, эртам қуруқ дард,  
Ахлат сочаверинг - гул учун зеро  
Ўғит бўлар ҳатто энг чиркин ахлат.

Кимдир мазах қилди ҳиринглаб гизли,  
Кимдир қўл силтади изимдан:  
"аҳмоқ..."

Ҳайқирдим:

" Кўрсатиб қўяман..."

Сизни...

Мен чақмоқ бўламан,

мен ҳали

чақмоқ...

## 2

Шони улуғ оғам Пўртана,  
Оҳанраболи иним Гирдоб,  
Мен ўзимни топяпман яна,  
Мен ўзимга бераяпман тоб.

Тўлқин, менинг оққўнги синглим,  
Йўлга тайёр бўлиб тур ҳар он.  
Мен кўчяпман - сезмақда кўнглим,  
Қўпажақдир янги бир тўфон.

Посейдон\*, ҳув, қўзғолинг, деб айт,  
Нух, кемангни сафарга шай де:  
Майлига, мен фарқ бўлсам бўлай -  
Барибир нилуфар яшайди!

### 3

Юрагим,  
бардош бер,  
ўттизми-қирқ йил  
Сени кўкрагимга юраин осиб.  
Юрагим, бир куни ёзилса бу тил,  
Сен учун бир исм топай муносиб.

Юрагим, балки сен чақмоқдай кўчган  
Тиғдор туйғуларнинг тугилган туғи.  
Юрагим, балки сен нилуфаргулнинг  
Кўксимга ташланган митти уруғи...

### 4

Нилуфар,  
сув ичра зерикмадингми,  
бақалар жонингга тегмадими-ей!?  
Туфроққўлда қолган шерикларингга  
Бугун сен ҳақингда нима хабар дей?

---

\*Посейдон – юнон афсонасидаги денгиз худоси.

Ахд қил-у,  
шаҳдингда асло кечикма,  
кеча бўш бўлган жой эрта бўлар банд.  
Аслида мен ҳам энг нодир чечакман,  
Истасанг, кел, икков бўламиз пайванд!

## 5

Томиримиз ёнди - қонимиз қайноқ,  
Истироҳат боғи.  
Соат кеч 6.  
Мажнунтол остида ялаб музқаймоқ,  
Юрагимиз баттар аланга олди.  
Менга қарамасдинг,  
чўғдор нигоҳим  
кўзингдан оларди тунларнинг қасдин.  
Сенга тикилардим... тикилардим-у  
Барибир чеҳрангни кўрмасдим.  
Мен вулқон эдим  
уйқуда ётган,  
Тушларимни сенга айтардим бир-бир.  
Демакки, менинг ҳам тонгларим отган,  
Демакки, айлашинг керакди таъбир.  
Нафасинг иссиғу  
қовжираб қолдим,  
Лабларингда билдим саринбахш елни.  
Тушларингдан сени айириб олдим,  
Қучоғингда бир зум ухлагим келди...

## 6

Ўша куни кечикдинг дарсга,  
Қирқ дақиқа чидадим, бироқ  
Вужудимни ирғитди пастга  
Юрагимни ўйган қўнғироқ.  
Профессўр фалсафасини  
Қабр қазиб, ҳавога кўмдим.  
Ташқарига чиқдим сени  
Бир йигитнинг ёнида кўрдим.  
Кўзларимни тўлдирди бирдан  
Кўйлагингнинг қип-қизил ранги.  
Фол очгандай сирқироқ сирдан,  
Гумбурлади туйғулар жанги.  
Хаёлимда қолмади тартиб,  
Иродамни айладим ғорат.  
Кўлларингдан қотилдай тортиб,  
Юз-кўзингга сочдим ҳақорат.  
Сас-садосиз гурладинг лов-лов,  
Сас-садосиз йиғлаб юбординг.  
Тиф учида турган кўнглимни  
Киприкларинг тифлаб юборди.  
Мажруҳ қушдай потирлаб,  
ўксиб -  
юлқиландинг... сикди қучоғим.  
(Қанотларинг шунчалар кенгми,  
Осмонимга сизмас учоғим!?)

- Ахир, сенга не бўлди, Нилу,  
Наҳот юрак - боши бўш кема?!  
- Ахир, дўстим бўлади-ку у,  
Ахир, менинг гуноҳим нима!?  
Жавобларинг мени шол қилди,  
Жавобларинг айирди ҳушдан.  
Дўсту душман томоша қилди,  
Яйраб гийбат қилди дўст-душман:

"Ким бўлибди бу ўзи Нодир?!  
Ҳар куни маст... жин урсин уни!  
Билармиди нелигин қадр,  
Расво қилди гулдай Нилуни..."

Титраётган танингни кўриб,  
Қалтирардим - борлигим беҳол.  
Чиндан икки кўзим ҳам кўр-у,  
Қўл-оёғим бўлиб қолди шол...  
Кўча бўйлаб йиғлаб кетардинг,  
(Аламларнинг сурати - йиғи)  
Булутлардай йиғилиб дардим,  
Оғрийверди кўксим синиғи.  
Кўйлагимни парчалаб ечдим,  
Қўлларимга бердим минг озор.  
Ва... умримда илк бора ичдим,  
Мўри бўлиб тутадим... илк бор!



Кипригимда изтироб пишди,  
Қийин бўлди тушмоқ ҳовурдан.  
Вужудимни зўрға топишди  
Жўраларим шомда зовурдан.  
Панд ўқишди:  
- Не бўлди, Нодир,  
Наҳот кўнгил - боши бўш кема?!  
- Ахир, севги талаби недир,  
Ахир, менинг гуноҳим нима!?

## 7

Мендан юз ўтирдинг, худди мен  
Дарслардан воз кечгандай осон.  
Наҳотки, бу ишқнинг удумин  
Адо қилмоқ анъана ҳамон!?

Шеърларимда шерга хос тоқат  
Савол бўлиб сингмоқда оққа.  
Нега улкан Заминда "фақат  
Шоир ҳақли бахтсиз бўлмоққа"

## 8

Сени хафа қилдим,  
Ўзимни сўқдим,  
Оппоқ гулларини сочди айрилиқ,  
Денгиз изларингга изиллаб чўқдим,  
Сен эса боқмадинг қайрилиб,  
Сени хафа қилдим...

---

\* Рауф Парфи мисраси.

Не бўлса бўлди,  
фақат мен истаган нарсалар эмас.  
Офтобга чидамсиз чечақдай сўлдинг,  
Мен қуруқ хашақдай ўт олдим чарс-чарс,  
Нима бўлса-бўлди...

Ҳаммаси аниқ -  
Соянгда изғибман итдай бекорга.  
Ишонган нарвоним бўлса-да синиқ,  
Ўзимни осибман энг баланд дорга,  
Ҳаммаси аниқ-у...

Чидёлмайман:

Сен қайда,  
мен қайда,  
муҳаббат қайда?

Айтган сўзларимни олгим келмас тан,  
Шивирлашгим келар сен билан қайта,  
Чидай олмайман...

Майли, азизим,  
Аҳдинг қаттиқ бўлса,  
Изингга қайтма,  
Телба туйғуларга бермагил изн.  
"Мен ҳам сизни севар эдим" деб айтма,  
Майлига, азизим...

Аҳволимизга -  
Кимлардир бефарқу кимлардир кулар,  
Кимдир ғийбат қилар, биламан... бизга  
Ачинса-ачинар нилуфаргуллар.  
Фақат...

Фақат...

Фақат...

Сени ранжитдим,  
Буюк бир жиноят бўлди-ку содир.  
Аслида жобир ким, жабрланган ким,  
Аслида хор киму ким бўлди нодир!?  
На қилай...

кўксим чўл...

киприкларим хўл...

Мен шоир бўламан...

Сен-чи бахтли бўл!

## 9

Шаҳидлар қонидай қорайди оқшом,  
Бош қўйдим. Тушимни ёритди бир нур.  
Бир қўлида қилич, бирида Калом,  
Мени ҳузурига чорлади Темур.

- Ай, қароғим, кел қани,  
Кўзларингда кўрдим дард.  
Алҳамдулиллаҳ! Сани  
Банди этмиш муҳаббат.

Туркийму у ё араб,  
Форсийми ё фаранги?  
Ўғлум, кўнглингга қараб,  
Пойингга этгум банди...

Й-ў-ў-қ, дедим...

Кўнгилдай ёришди осмон:  
Тўлин Ой - Улуғбек Мирзонинг боши,  
Сержило қароғи - "Зижи Кўрагон",  
Қаламдай қимирлаб турарди қоши.

- Куйган боврим, суйганинг  
Қайси бир сайёрада.  
Айт, сен учун келтирай  
Энг янги тайёрада.

Кундами у Кунсулув,  
Ойдаи ё Ойжамол -  
Кўнглингга солган ғулув  
Кимдир, болам, айта қол!

Й-ў-ў-қ, дедим...

Бошимни кундага тутдим,  
Онгимни тилкалаб ташлади бир ҳарб.  
Гарчи сирларимни синдириб ютдим,  
Тилимдан томчилаб тушди

етти ҳарф:

Н...

И...

Л...

У...

Ф...

А...

Р...

## 10

Дарс битди.

Сирғалиб дутонанг келди:

- Ўлманг-ей, сизни ким шоир атайди.

Шунчалик ҳам қўпол бўласизми-я,

Кимга фойда араз қилмоқ атайин?!

Ахир, ўзингиз-ку шеърда ёзган ҳам:

"Муҳаббат энг нафис гулдай бежирим!"

Хўш, энди Нилуга етиб олинг-да,

Шоирона қилиб сўранг кечирим.

- Нега сўрарканман, ахир...

- Азизим,

Бунда ортиқчадур "йигитча гурур",

Ҳар ким маъқулласа ўзининг изин,

Сиз айтган бежирим чечак ҳам қурир.

Ноилож бош эгдим:

- Ҳайдаб солса-чи?

- Вой, қайси юрак-ла юрибсиз ўзи?!

Ҳамма сизга ўхшаб қилмайди аччиқ,

Боринг, ҳайдамайди - кафилман ўзим.

Кўнгил тўла ғулу... йўл олдим шитоб,  
Билмайман, қай ҳолда сенга-да етдим,  
"Нилу, сизда борми ҳалиги китоб...  
Кечирасиз... мени... ҳалиги..." - дедим.  
"Китобми? Ҳалиги... Бор эди... Ҳа, ҳа...  
Эрталаб илтимос қилувди Жасур,  
Бериб юборибман... Билмагандим-да  
Сизга кераклигин... Тутингиз маъзур!"  
Сўнг

оппоқ қўлингдан

авайлаб тутдим,

Кўзларингга боқдим:

- Айрилмаймиз-а!?

Сенсиз қанча қаро тунларни ютдим...

- Неча кунлар маҳтал бўлдим-ку Сизга!..

Шу кеча энг гўзал шеъримни битдим,

Шу кеча яна пок руҳлар қўллади.

Тонг отди.

Уйқули фаррош холага

Шоирона қилиб салом йўладим...

## 11

Юрагимдай изларга тўла -

Бу бекат.

Банд этдим уни қиш, баҳор, ёз, кузлар.

Сени қучоғимдан юлқиб кетади

27 - автобуслар.



Устунлар мушгимга тўяди,  
Гўшаклар ярамай қолади ишга.  
Симёғочда сирли кулиб қўяди  
"Муҳриддин Холиқов" -  
янги афиша.

Сен Юлдузхонимни севасан,  
Мен эса қасдма-қасд Охунни.  
Қошларинг тор ипи каби тортилар:  
"Қўйинг-е шуни..."

Кўнглингга қарайман -  
бе-пой-йо-о-н,  
Бир лабин Энасой, бирин Нил ўпар.  
Мен эса балиқдай ўйнайман - аён,  
Нилуфар!

Сен туғилган кунинг мен ҳам туғилдим:  
19 май, 76 нчи.  
Сени қобирғамнинг кемтиги билдим,  
Сенинг билан тўлуғ шу йигит кучим.

Кўча - кенг, йўл - узун...

Топ-тоза қизлар  
Кўзларимни тешиб ўтади, аммо  
Топиша олмайди кўнглимни излаб,  
Кўнглимни сен олиб кетгансан-ку, о!



Тип-тиниқ кафтингга ётқизиб уни,  
Қошинг-ла силайсан...  
Ва ярим тунда  
Эшита бошлайсан сен ҳам Охунни,  
Ўйлайсан: "Хабари бўлмайдди бундан".

Мен эса энг инжа сезгиларим-ла  
Расмингни ясайман йигириб-тикиб.  
Қўлларим ҳавода игна тортади:  
"35 - 21 - 22"

## 12

Бир куни ғалаён кўтарди туйқус  
Сенга атаб битган жами шеърларим:  
"Бизга озодлик бер!"  
Кўзимни қисиб,  
Узоқ вақ ўйладим...  
Бермадим.

Фафлат оғушида қолдимми ёхуд  
Сенинг хаёлинг-ла эдиммикан банд -  
Бир сабоҳ ҳаммаси ғойиб бўлишди,  
Мени ётоғимга қилиб занжирбанд.

Ўн кеча тўлғондим, гўё чалажон...  
Янги шеърларимни тушимга кўмдим.  
Бир тонгда, сўзимга ишон, Нилужон,  
"Матбуот ойнаси" теварагида  
Мудҳиш ур-сур тўла тўполон кўрдим.

Ҳамманинг қўлида "Ҳуррият тонги"  
(Энг омадсиз газет эди-ку олдин!?)  
Қизиқдим...

Навбатта кирдимү анғиб  
Нақ тушда энг сўнгги нухани олдим.  
Боқдимү нигоҳим чатнади қизиб,  
Талваса ичида музлаб-терладим.  
Сўнгги саҳифада менга кўз қисиб,  
Кулиб турар эди қочоқ шеърларим.

Во-о-ҳ, дедим...  
Шу кундан бошимни эгди  
Даврада ўқилган ҳар битта шеърим.  
Муҳаррир хатлари жонимга тегди:  
"Нилуфар"дан бўлса бизга ҳам беринг!

Сен чиройли бўлсанг,  
менинг айбим не?!  
Қара, қаламимга кўзлар санчилар.  
Қийналиб кетдим-ку ўзинг бир гап де,  
Мени тинч қўйишсин газетачилар.

Кеча бир ғалаён кўтардим туйқус:  
"Шафқатсиз шеърларим,  
Менга эрк беринг!"  
Узоқ вақт ўйлашди кўзларин қисиб,  
Сўнг баттар боғлашди...  
Деёлмадим финг.

### 13

Чумолидай кечмақда дарслар,  
Довул каби кўчмақда дарслар.  
Кимларнингдир ортидан чопиб,  
Ярим йўлда қолмоқда саслар...

Нима қолар эртага, билмам,  
Кераги ҳам йўқдир, эҳтимол.  
Ҳеч кимсага эътибор қилмам,  
Ҳеч кимсага бермасман савол.

Теваракнинг таъмали кўзи  
Кўзларимга оғир ботади.  
Кимдан нима истадим ўзи -  
Менга севги етиб ортади!

### 14

Дарс нима?  
Сени билмадим,  
Менинг учун - юзингни кўрмак...  
Ўша куни сен-да келмадинг,  
Худди мендан олгандай ўрнак.  
Эртаси ҳам...  
Тугади сабот -  
Жўралар ҳам кетган аксига.  
Мотруд томон чиқордим қанот,  
(Пул етмаса нетай таксига?!)  
Бир амаллаб чақирдим.

Чиқдинг.

Кўзларингда чиройли ҳадик,  
Шу ҳадик-ла дилимни йиқдинг.  
- Нима бўлди?  
- Соғиндим қаттиқ!

Рўмолингнинг учлари гижим,  
Рўмолингнинг учи лабингда.  
Кўзларингга ёш тўлди - гужум,  
Ҳасрат чангдай учди гапингдан:  
- Жонга тегди...

...безбет совчилар,  
Эрта келиб, кетади шомда...  
- Кимдан!??  
- Ўғли учун келяпти  
Ўша... сизни "йиқитган" домла...

Ў-ў-ў-ҳ...  
Музлаб кетди пешонам,  
Бўш қопдайн бўшащди қаддим.  
Ахир, унга... унга ишониб,  
Сени севишимни айтгандим...

О, кўнглимнинг айёр ўғриси,  
Устозмисан? -  
Иблисга дарс бер!  
Сени...

Сени...

Сени...

Тўғриси...

Эҳ, бу сўзни кўтармайди шеър.

Хайр, дедим...

Хайр!

Изимга -

Алангадай гуриллаб қайтдим.

Домлайимнинг тикка юзига

"Чарчаб қолманг тагин..." деб айтдим.

О,

менинг гўр йигирма ёшим,

Пок деб билма ҳар кас этагин.

Силкиб кетса - ўкраб қоласан,

Жинларига айтсин эртагин.

Эҳ-ей, содиқ қора кунларим,

Келаверинг, ёш жоним - улоқ...

Садоқатли итдай увладим,

Эшитмади биронта қулоқ.

Потир-потир қулоч ёздиму

Кенг майдонга ўкириб чиқдим.

Мен Худога ишондим ёлғиз,

Ишондимۇ йигитдай йиқдим.

Ошноларим олқишлади... Зўр

Фанимларим кўтарди қўлин.

Йўлларимдан олингунча тўр

Буролмадим сен томон йўлим...

Дарс нима?  
Сени билмадим,  
Менинг учун - юзингни кўрмак.  
Ортингдаги партадан пинҳон  
Сочларингни искалаб ўрмак...

### 15

Қароғим кўзёшга тўлдию  
Униб чиқди бир нилуфаргул.  
Қаҳ-қаҳ отиб куламан энди,  
Истасанг, эй ғаддор, сен ҳам кул.

Сўрамасман ҳеч кимдан шафқат,  
Жон, денг - берай, қоним сўрганлар.  
Гулруҳимни сўраманг фақат,  
Кўзларида гули сўлганлар...

### 16

Нилуфар,  
Ватан не?  
Мен учун - Осмон,  
Сен учун - Сув юзи,  
Иккимизга - Ер.  
У ҳақда кун бўйи хаёл сурсак-да,  
Нечун битолмаймиз икки мисра шеър?!

Нилуфар,  
Миллат не?

Мен учун - Шиддат,  
Сен учун Гуруру  
Иккимизга - Ишқ.  
У ҳақда тун бўйи тушлар кўрсак-да,  
Нечун айтолмаймиз баландроқ қўшиқ?!

Нилуфар,  
    наҳот,  
        бу олам  
                жимжима,  
Зерлар забар бўлгай,  
Забарлар-чи зер?!  
Нилуфар, дилсизнинг миллати нима?!  
Нилуфар, тилсизнинг ватани қаер?!

## 17

Уч йил...  
Уйдан учиб кетдим  
Нелар қилди тақдирнинг изми:  
Гоҳ Самарқанд, Тошканд изғидим,  
Гоҳ чорлади Анқара, Измир.  
Фозий Антеп кўчаларида  
Фозий янглиғ гупирдим, лекин  
Кўнглимнинг ўт гўшаларида  
Шаҳид бўлмоқ истаганим чин.  
Қайтдим...  
Қутлуғ дийдор изладим,  
"Ўзбегим"ни ҳайқириб айтдим.

Софинтирди қишлоқ қизлари,  
Ялангоёқ чангйўлдан қайтдим.

О-о-о...

Кўларим тутайверди-ку...

Чанқадим... тил қовжираб ёнди.

Тонглар юртим янтоғларини

Кўкрагимга босиб уйғондим.

Талабалик...

бешакл олам

кунларимга бемалол сиғди.

Аммо четда қолибди отам,

Аммо онам эсимдан чиқди.

Кетмон мени танисмай қўйди,

Мендан қоча бошлади ўроқ.

Ҳаммасини иқболга йўйдим,

Дўст-душманга солмадим қулоқ.

Аё,

Ғофил,

дунёбеҳабар...

Машҳур шоир бўламан, дедим.

Мен ўлмайман... ўлсам ҳам агар,

Довруқ солиб ўламан, дедим.

Интиганим не эди ўзи,

Орзуларим нимага лойиқ?

Самимий, чин бўлса-да сўзим,

Мени тинглармиди халойиқ?!



Мен ўзимни танидим бехос,  
Мен халқимнинг ҳолини билдим.  
Шунча кибру ҳаво ичинда  
Ўлмаганимга шукур қилдим.  
Й-ў-ў-қ...  
Енгимдан кимдир силкиди,  
Томиримга ташлади гулу.  
Кўзларимга сингди гул ҳиди,  
Худойимга қайтардинг,  
Нилу!  
Гарчи йўл кўп,  
гирдоб ҳар бир из,  
Йўл битта, деб қасам-ла қайтдим.  
Кўзларингга термулиб сассиз,  
"Ўзбегим"ни ҳайқариб айтдим...

## 18

Шаҳар - энг катта хатом,  
Қишлоқ - қалбим суврати.  
Қайтдим... умидвор отам  
Ўқишимни сўради.

"Кўнглимни сўранг, ота!"

Мени қўмсаган олам  
Рўмол қилиб ўради.  
Ҳадиклари мўл онам  
Соғлигимни сўради.

"Кўнглимни сўранг, она!"  
Ҳовлимизда гулбоғча -  
Турфа чечак қулф урар.  
Бироқ кўрмадим ҳали  
Бирорта ҳам нилуфар.

"Кўнглимга қаранг, ахир!"

Отамдай мағрур кўнглим,  
Онамдай мушфиқ кўнглим.  
Сен тўласан, мен - тўла,  
Ҳовузимиз лиммо-лим:

Сени Осмон сўрасин!

## 19

Нилуфар,  
Сен - сувдаги чақмоқ,  
Балиқларга дилини ёрган.  
Менга қисмат - самога чиқмоқ,  
Менга қисмат - аскарлик Ёрга.  
Бугун билдим: кўп экан рақиб  
Бугун билдим: юрак - сурх хазон.  
Иблислар-да худога чақиб,  
Танобингни тортишар баъзан.  
Нега энди муҳаббат - ҳадик?  
Нега дўстлар ўзидан ортмас?!  
Ортса... қайга ҳам борар эдик,

Барибир бир қабрда ётмас...

Қилкўприкка

ўзимни

оссам,

Кўзёш тўкма, сувни севган қиз.

Ахир, сени бағримга боссам,

Ёниб кетар уммонлар жиз-жиз.

Васиятим малаклар тинглар,

Васиятим аллақачон шай:

"Ўлсам, мени сувга кўминглар,

Нилуфарнинг пойида ётай!"\*

Сени ташлаб қайга кетаман,

Менинг руҳим - кўкламги ёмғир.

Ўлсам ҳамки... сенга етаман,

Баргларингда ухлайман бир-бир.

Тушларимда:

ўтмишим - ҳамдам,

бугуним - шаҳд,

эрта - муҳаббат.

Тушларимда ганимларим ҳам

Экишади нилуфаркўчат...

Кеча кимдир деганди "аҳмоқ",

Бугун келиб пойимни ўпар.

Мен чақмоқман,

мен энди...

Чақмоқ -

Кўкка илдиз отган нилуфар!

\* Муҳаммад Юсуф сатрлари.

Ибтидонинг интиҳоси бор:  
 Кун ортидан туғилади тун.  
 Фикр сўнги бўлади хаёл,  
 Шеър бошланса, топади яқун.

Кун ортидан туғилади тун,  
 Самарқанддан чиққан автобус  
 Булунғурда тўхтади... маҳзун  
 Онам овқат сузади бесўз...

Фикр сўнги бўлади хаёл,  
 Беҳишт беҳуш қилади сени.  
 "Кимсан? Несан?" - беради савол  
 Фирибларни осган Есенин.

Шеър бошланса, топади яқун,  
 Чирсиллайди нозик белли ҳарб.  
 Саващади севинч ила мунг,  
 Шеър яқуни - кутилмаган зарб!

Ибтидо не?

Интиҳо нима?

Хаёлим - кўк...

Менинг кўнглим тўқ.

Оқ кўнгилли, гулим, ўксима,

Севгининг

сўнги

йўқ!!!

\* \* \*

Ойчечак,  
Мендан кўл истадингиз-а,  
Бир томчи ёшимни аямам сиздан.  
Фақат... аламимнинг гумашталари  
Лошимни излаюр юрагингиздан.

О... берманг,  
Кўнгулнинг кўзига гизланг,  
Игнадай отинг фор оғзидай дилга.  
Қалбингиз чўлидин бир лаҳад изланг,  
Яширинг - овоза айламанг элга.

Етар бу дунёда татиган жабрим,  
Энди тилаганим - кимсасиз қапа.  
Бўлмаса... тошларга бурканган қабрим  
Ошиқ-маъшуқларга бўлади қаъба.

Азал шаробининг тиниқ ерини  
Менинг пиёламга қуйибди соқий.  
Ичдиму ирғитдим - синиқларини  
Қуш янглиғ еганлар бўлади боқий.

Мадад деб юкиндим не даҳоларга  
Машраб дер: "Сен учун паст эрур бу дор".  
Тутилдим... дунёвий аждаҳоларга -  
Йигитнинг жонидан ширин нима бор!?

Жонимни атадим, майлига есун,  
Ўзим топиб берай санчқию қошиқ.  
Улар ҳам бир бора, ё, дўзах, десун,  
Улар ҳам бир бора бўлсинлар ошиқ.

Фақат...

Сиз меңдан кўл истадингиз-а,  
Бир томчи кўзёш-ку, қиламан ҳузур.  
Вовайло...

уммонми ўкираётган?!

Кўнглим тўлиб кетган экан-да,  
Узр...

1996



Она, мени қучоғингга ол,  
Торлик қилди қизлар қучоғи.  
Кулса, устимдан кулди иқбол,  
Нураб тушди кўксим ўчоғи.

Музлаяпман - боқмас ҳеч кимса,  
Қувраб борар тобора илким.  
Наҳот тўнғич устунинг синса,  
Кузатасан, онажоним, жим?!

Пичирлашар қизчалар: ғийбат...  
Рақибларим чорлашар тўйга.  
Майхўр дўстим осади қиймат:  
"Дунё ишққа тупуриб қўйган".

Тупураман... аммо қаерга!?  
Ишқим - ерни қоплаган гилам.  
Кетгим келар ҳавосиз ерга,  
Кетгим келар янтоғлар билан.

Энди мени ким ҳам суяди,  
Энди менга ким бўлар қалқон?  
Гардун - кели, жоним туяди,  
Гардун мени қилади талқон.

Қочай десам - Замин мендай шол,  
Қуёш бошим ерга эгмоқда.  
Онажоним, қучоғингга ол -  
Мен суйган қиз... эрга тегмоқда!

\* \* \*

Мени эслаб йиғлайсиз ҳали,  
Атиргулдай тўкилиб ғариб -  
Лолалардек кўпга бормасдан,  
Нилуфаргулмисол оқариб...

Зирқиратар худбин булбуллар,  
Мени эслаб йиғлайсиз ҳали -  
Ҳасад ила илжайган гуллар  
Йиғилишса ғийбат эттали.

Инжиласиз... юксалиш истаб,  
Тирмашасиз узоқдан-узоқ.  
Мени эслаб йиғлайсиз ҳали,  
Ботқоқ бўлиб туюлади тоғ.

Дилингизни тингламас ҳеч ким,  
Ғимирлайди кўл каби қаъри.  
Балиқ бўлиб кузатаман жим,  
Мени эслаб йиғлайсиз ҳали...

1996



Хайр, хайр... балки алвидо,  
Кетмоқликка қилдингизми аҳд?  
Сизни ўзи кечирсин Худо,  
Сизга берсин йўллар қадар бахт.  
    Қоришмасман қисмат ишига,  
    Ҳаётимдан ҳаққимни олдим.  
    Суйганларим тарк этишига  
    Бугун анча кўникиб қолдим.  
Тўғри, мен - шеър ёзувчи каззоб,  
Тўғри, мендан чиқмас расо эр.  
Тўғри, сизга не берар азоб,  
Тўғри, сизга нима керак шеър?  
    Тўғри, сизни истовчилар кўп,  
    Сумбатингиз маликага хос.  
    Сил қилмайди унда талотўп,  
    Унда сизни йиғлатмаслар, рост.  
Чироқ эрта ўчади унда,  
Фарёд солмас уй тўла китоб.  
Ясан-тусан қиласиз кунда,  
Ҳатто бетоб бўлмайсиз, бетоб.  
    Мен-чи? Шоир... Ёзуғим - тоқат,  
    Ўз-ўзимни тузатолмайман.  
    Хайр, хайр... Алвидо, фақат...  
    Узр, сизни... кузатолмайман...

\* \* \*

Уфқимда қизарди минг чаман,  
Айбимни барг ила ёпмадим.

Ғунчалар мунчалар мунг чалар,  
Сизни мен гулшанда топмадим.

Жимирлар, ғимирлар тўрт томон,

Юрагим югурар - кўр тамом.

Оломон лол ҳамон... Алъамон!..

Сизни мен гулшанда топмадим.

Онгимда бонг урар исмингиз,

Тонгимда тонг турар изингиз,

Гулларга ачисин ичингиз,

Сизни мен гулшанда топмадим.

Юрагим ситилар - сир тилар,

Келинг... ё мактубдай йиртилар,

Чертилар... Шер талар... Шеър тилар...

Сизни мен гулшанда топмадим.

Товусдай товланса бу дунё,

Ҳовуздай говланса бу дунё,

Ёвланса-овланса бу дунё...

Сизни мен гулшанда топмадим.

Бир куни уйғониб чопасиз,

Айбингиз барг ила ёпасиз,

Мени гулқабримдан топасиз -

Сизни мен гулшанда топмадим...

1997

*М. Лермонтовдан*

*Д.га*

Аввалгидай ёнимда қолгин,  
Ҳеч бўлмаса биронта сўз айт.  
Токи шу бир сўзингдан қалбим  
Ичикканин тополсин албат.

Омон бўлса умид учқуни  
Юрагимда - жонланар аста.  
Кўзёш пайдо бўлару, уни  
Юмалатар эпкин бир пасда.

Битта сўз бор - англатиш мушкул,  
Борлигим шу бир сўзга асир.  
Тириламан, янграб қолса ул,  
Лек ўзгага этмагай таъсир.

О, ицонгин, гулдудофингни  
Совуқ сўзлар ташлагай тилиб.  
Худди тоза гул япроғини  
Булгагандай илоннинг тили!..

1831

## ***Интиҳо***

Тамом, битди...

Ў, ўчоғимни

Ташлаб қочди ўт:

Ёнар лов-лов -

Йигирма бир йиллик боғимни

Бир лаҳзада ямлаган олов.

Кулдек учар чаман чоғларим,

Мен тамомман - не кутаяпсан?

Куйса-куйди менинг боғларим,

Лекин нега... сен тутаяпсан!?

1997

\* \* \*

Мени севма!  
Оч итдек улыб,  
Кириб чиқдим дуч келган инга.  
Эй, ўн саккиз ёшимнинг гули,  
Арзимайман тоза севгинга.

Арзимайман...

шўрладим...

энди...

Манглайимда дунё тузи жам.  
Фақат... нафратланма сен мендан -  
Арзимайман нафратингга ҳам!

1997

## Қишлоқ

Барибир қайтаман...  
Олифта шаҳар -  
ялтироқ йўллару сунъий гузарлар  
илону чаёндай чирмашиб чақар...  
Дод солиб қолса-да дардсиз гўзаллар -  
барибир қайтаман,  
қайтмасам бўлмас;  
қайтаман энг тоза шеърларим билан.  
Қишлоқ пешвоз чиқар,  
чиқар басма-бас -  
мен суйган қизлар ҳам...  
...эрлари билан!

1997

\* \* \*

Унутгансиз мени - биламан,  
Фақат, "йўқ" деб қилманг эътироз.  
Ёлгон сўзлаб нима қиламан,  
Мен ҳам сизни унутдим бироз.

Ўз забтига оляпти турмуш,  
Гоҳ гам келар, гоҳида севинч.  
Хотиралар гўё эски туш  
Йўқотмоқда ўз кучини... Тинч -

Ўтаяпти ювош кунларим,  
Кенгаймоқда майин қорачуғ.  
Тўзғиб кетди ўлик кулларим,  
Сўнмаяпти фақат битта чўғ.

Томиримда югурар бетин,  
Гоҳо тўхтар... Кимга келар дуч?  
Ўт олгиси келади, лекин  
Тополмайди пуфлайдиган куч.

Нафасини қизғонар дудоқ,  
Ҳуштак чалар гўёки беғам:  
"Азоблардан қутилдим, Худо,  
Энди қайтиб ташлама, Эгам".

Манглайида борини кўрар  
Ҳар кас - ахир эркнинг нафи кам.

Тан олайн: сиздан ҳам кўра  
Меҳрибонроқ чиқди рафиқам.

Ҳатто сиздан қаттиқ севди у,  
Туйғулари - тиниқ ва қуюқ.  
Бу ҳудудсиз оламда мангу -  
Унга мендан бошқа дунё йўқ.

Тўлиқаман, бахтлиман тўқис,  
Бахт шу бўлса - дилни дил ўпар...  
Энг хуш кўрган сони - ўн тўққиз,  
Энг ёқтирган гули - нилуфар.

Менми?! Ўзни ўнглаб олдим, бас...  
Шўнғимасман ортиқ жунунга.  
Берсам, куюк юрагимнимас,  
Ҳаётимни бераман унга.

Узр... Сизга оғир бу сўзлар,  
Нега айтдим?! Англаганим йўқ.  
Балки менмас, аслида бўзлар -  
Томиримда омон қолган чўғ.

Барибир-ку... Ахир, сиз мени  
Унутгансиз - қилманг эътироз.  
Энди сиздан яширай нени -  
Мен ҳам сизни унутдим бироз.



Яна шеърлар ёзаяпман. Ҳа!  
Юрагимга қайтиб келди шашт.  
Бу дунёда минг урилсанг-да,  
Керак экан барибир яшаш!

Мана, сиз ҳам яшаяпсиз-ку,  
Бахтиёрсиз мендан юз карра.  
Ранжитмайди сизни ҳеч ҳам У,  
Менга ўхшаб қилмайди зарда.

Кечирасиз... мен кимман ўзи?!  
Мен ўшами - сизни деб ёнган!?  
Гуриллашда қуёшдан ўзиб,  
Куйган - ўзин уриб тўрт ёнга...

Билолмадим. Унутдим. Тамом.  
Керак эмас. Тугади. Нуқта.  
Кетаман ўз йўлимга томон,  
Сиз ҳам бунда қолмайсиз тўхтаб.

Унутасиз. Энди нафи кам,  
Хотиралар - ожиз ерингиз.  
Унутмайди фақат рафиқам,  
Унутмайди фақат эрингиз...

1999

## **Қисмат**

Кўришмаймиз - бепоён само,  
Кўришмаймиз энди батамом:  
Сиз Ой каби чиқасиз, аммо  
Мен Қуёшдай ерга ботаман!

1999

## **Н и л у ф а р**

Унутаман. Бўлди энди. Бас!  
Яшаш керак дилни қийнамай.  
Бироқ, ҳар йил менга қасдма-қасд  
Оппоқ олов олиб келар май.

Оқараман... Жонимни сиқиб,  
Кул бўламан, қайта-қайта кул...  
Эй, менинг кўзёшимдан чиқиб,  
Саҳрога бош олиб кетган гул!..

2000

## *Араз*

"Наврўз" деб кўнгли сал ийиб келган қиз,  
Мен учун хонатлас кийиб келган қиз,

Тўкилган жонимни кўзида эмас,  
Қайралган қошида қийиб келган қиз,

Шунда ҳам алами аримай буткул,  
Лаб буриб, қовоғин уйиб келган қиз,

Кун ўтиб, тун ўтиб - мен йўқламагач,  
Ўзининг ўтида куйиб келган қиз,

Марҳабо! Мен сизга нима ҳам дейман?  
Кўксимда сумалак қайнатиб ейман -

Қани, сиз ҳам бир бор татиб кўринг-чи,  
Қонимнинг рангида... ва лекин ичи -

Тош билан тўладир, берасиз бардош:  
Ахир, булар - менга сиз отган бор тош...

1999

## **Сўнги бекат**

(туркум)

### **1.**

Тузалиб кетганман, дегандим, афсус,  
Яна юрагимда қўзғолди оғриқ.  
Билдимки, кўҳна дард эмаскан хавфсиз,  
Билдимки, жон унга бир умр боғлиқ.

Яна кўзларимда эриди музлар,  
Яна тўфонга ғарқ бўлди она Ер.  
Сизнимас, қоғозни қоралаб музтар,  
Яна, нима қилай, ёзаяпман шеър...

### **2**

Маҳзун бўлманг,  
Олманг хавотир -  
Ғарчи қалбим минг бор тешилган.  
Шунча юкни тортмоққа қодир  
Жоним ипи пишиқ эшилган.

Агар бир кун зўриқиб беҳад,  
Сочилса у заррама-зарра.  
Демакки, бу - охирги бекат,  
Демакки, бу - энг сўнги марра...

### 3

Майли, сўнгги бора ўпгин, оҳ,  
Имконимиз тугади. Билдим.  
Бу дунёда қилдим кўп гуноҳ,  
Бу дунёда кўп тавба қилдим.

Шошилмагин,  
Кетавер сокин -  
Изларингни этайин тавоф.  
Бу дунёда илк бора токи  
Сен туфайли қилайин савоб...

### 4

Уч йил олдин қуриган олма  
Нола қилди тинимсиз, оҳи  
Худойимга етдими, лолман -  
Куртаклади уч-тўртта шохи.

Мен ўлганман. Майли, дафн этинг...  
Эгнингизга кўк-қаро илсам -  
Фақат қўрқиб кетманг дафъатан  
Бир кун яна қайта тирилсам.

## 5

Олча оппоқ очилди, димоғ  
Қитиқланди қичқил ислардан.  
Яна, яна нотинч бўлдим, оҳ,  
Қўшин тортган кўҳна ҳислардан.  
Сен-чи, омон бормисан, ёҳу,  
У кунларни бир ёдга ол-чи.  
Ёки қуриб қолганми, айт, ҳув,  
Кўксингга мен қадаган олча?

## 6

Яна мағлуб бўлдим,  
Нотинчман.  
Таянчимга дарз кетяпти, дарз.  
"Мен суяйман" дея онт ичманг,  
Менинг ҳолим бўлсин сизга дарс.

Йиқиламан,  
Осон сўнмагим -  
Оч бўрилар туришар сергак.  
Балки омон қолган сўнгагим  
Бир кун сизга бўлади тиргак...

## 7

Англаб етдим:  
Бир марта келдим,  
Бу дунёдан ўтайин бедард -  
То этагим тўзғитган елдан  
Эл юзига қўнмасин бир гард.

Олислашдим сўнг ўшал ондан,  
Қайрилгандим ва бугун илкис -  
Ортимдаги қуюқ тўзондан  
Кўринмади мен босган илк из...

## 8

Томчи-томчи ёғаяпти қон,  
Бу қандайин фалокат бўлди?  
Нима дардинг бор, Она Осмон,  
Қучоғингда, айт, киминг ўлди?

Сас-садо йўқ,  
Кўкка тикилдим -  
Юз юларди булутлар сонсиз.  
Томоғимга олов тикилди:  
Она Осмон ётарди жонсиз...

## 9

Сизни дея қанча хун ютдим,  
Ҳажрингизга бўлдим - ку ҳамроҳ.  
Наҳот энди сизни унутдим -  
Эслаяпман тобора камроқ.

Ҳилпирайди сочимнинг оқи,  
Кўзларимда йилтирайди тош.  
Наҳот севги ёш каби оқиб  
Кетган бўлса, эй, мунис дилдош!?

## 10

Қандай нафис куйлар бор эди,  
Тинглар эдим кўзимни юмиб.  
У пайт сен ҳам менга ёр эдинг,  
Сўнг кетдинг - ку дилимни юлиб.  
Хазон бўлдим...  
Эрмак қилма, бас,  
Энди сенга айтар сўзим йўқ.  
Бир куй келар олисдан элас -  
Юмай десам, афсус, кўзим йўқ...



## 11

Айланасиз бошимда тинмай,  
Тақдиримга нелар битасиз?  
Олислайсиз қанча ўтинмай -  
Осмондаги Ойдаи биттасиз.

Термиламан... кўзим ёшида  
Милтирайди юлдуз ҳам, ой ҳам.  
Сиз ботасиз. Ўлим қошига  
Ҳаёт тилаб кетади соям.

## 12

Сўрагандим сиздан асал-қанд,  
Сиз-чи, менга тутдингиз захар.  
Севгига зор қилди Самарқанд,  
"Тошингни тер" деди бу шаҳар.

Аразладим, эҳ, ожиз банда,  
Йўл сўнгида кетдим-ку эриб.  
Мана, шаҳри азим Тошқанда  
Юрибман ўз тошимни териб...

2001

\* \* \*

Бахтиёрсиз, чеҳрангиз гулгун -  
Қисматидан нолиб кетган гул.  
Биз-чи, қуриб тўкилган юлғун,  
Самарқандда қолиб кетган гул.

Ишқингизда бўлди дил майиб,  
Бизни ўтга солиб кетган гул.  
Эслайсиз-да энди жилмайиб,  
Самарқандда қолиб кетган гул.

Адо қилиб, руҳимизни ҳам  
Ўзи билан олиб кетган гул.  
Ёқиб қўйинг севгимизга шам,  
Самарқандда қолиб кетган гул.

Биз-ку кетдик, аммо қаерга -  
Таслим бўлдик, қолиб кетган гул.  
Эргашмайин биздай шоирга,  
Самарқандда қолиб кетган гул.

Ёдингизда борми исмимиз?  
Қайғумиздан толиб кетган гул.  
Азоблайди ҳамон исингиз,  
Самарқандда қолиб кетган гул...

2001

Чиндан севганмидим ёки шунчаки  
Изингдан чопдимми тўзғитиб шаҳар?  
Ўлдириб қўймади фироқ - шум чақиб,  
Ё ўзим ўлмадим симириб заҳар.

Жимгина яшадим тақдирга кўниб,  
Жимгина яладим манглай тузини.  
Юрагим йил сайин борса - да тўниб,  
Осмонга отмадим юлиб музини.

Чиндан севганмидим - худди эртақда  
Фарҳод Ширина деб бергандайин жон?  
Ёки чопганмидим фақат эрмакка,  
Вақтни сал рангинроқ ўтказай дебон?!

Кўнглимга қарайман - бирон садо йўқ,  
Тўзғиб учиб юрар бир ҳовучча кул.  
Севги - дил тўрида занглаб ётган ўқ,  
Энди ҳеч кимсага отилмайди ул.

Сен эса бахтлисан...  
Сезмайсан алам -  
Гўёки ҳаммаси хаёлда бўлган.  
Эҳтимол, яшармиз ҳали юз йил ҳам,  
Аммо минг йил бурун кўнглимиз ўлган...

## Қайтиш

Қандай ўйин?! Қандай телбалик!  
Сизни дея йиғлаган эдим.  
(Ўт пуркаган, ў, талабалик,  
Эс-ҳушимни йиғмаган эдим)

Кўзларингиз чўғ эди, дилни  
Доирадай тобладим, бироқ -  
Сас-садом жалб этмади Сизни,  
Кетдингиз-ку тобора йироқ.

Ой эдингиз, мен эса - пастда,  
Тушасиз деб интиқ кутардим.  
Юрагимдан ясаб гулдаста,  
Байрамларда Сизга тутардим.

Олсангиз-да, кулиб бир зумда  
Сочардингиз тўрт тарафга шўх.  
Сиздан севги тиловдан зимдан,  
Сиз-чи, парво қилмадингиз, йўқ.

Кейин кетдим қайғудан қочиб,  
Кейин кетдим - қувлади қадар -  
Ҳисларимни шамолга сочиб,  
Самарқанддан Тошкентта қадар.

Сингиб кетдим шаҳри азимга,  
Қоронғуда йўқолди соям...

...Бугун қайтиб келдим таъзимга,  
Бугун пастга тушади Ой ҳам.

Салом, Севги! Салом, Самарқанд!  
Юрагимнинг ранг олган шаҳри.  
Томирингга томирим пайванд,  
Эй, безовта умримнинг шарҳи.

Тирилади бағрингда лош ҳам,  
Обидалар - мангу безагинг.  
Муқаддасдир сендаги тош ҳам,  
Муқаддасдир ҳар бир кесагинг.

Мен-чи, кимман?! Бир кун, ё насиб,  
Тупроқ бўлгум пойингда уюм.  
Эй, жонимнинг мунис онаси,  
Эй, менинг илк ва сўнгги уйим.

Майли, қўзға оташ ҳисларни,  
Хотирамни ўртар исларинг.  
Майли, омон бўлсин бизларни  
Телба этган олов қизларинг.

Бу талотўп дунё ичинда  
Қозифини топгувчилар кам.  
Лекин Темур қайтди-ку Чиндан,  
Тошкент нима, қайтамыз биз ҳам!

## Хавотир

Башорат ё қутқу, ваҳийми -  
Юрагимга тушди ваҳима.

Бу беҳудуд дунёда сизсиз  
Кетаманми йўқолиб изсиз.

Қолмайдими бирон сўнгагим,  
Осонми шунчалар сўнмагим?

Чехрамдаги бармоқ изингиз,  
Димоғимда қолган исингиз,

Кўзингизга теккан лабларим,  
Кўзёш, кулгу, ўйин, гапларим -

Йўқолурми тунги соядай,  
Чўкаманми сўнгги қоядай?

Ё қудуққа тушган тош каби,  
Ё саҳрога томган ёш каби,

Ё булутдай - қувилган мангу,  
Осмонимни тарк этаманму?

Сиз-чи, гулим, қайдасиз бу пайт,  
Фамлимисиз ва ёки лоқайд.

Юрибсизми бепарво, шўх-шан,  
Ё адашган оҳуга ўхшаб -

Кўзингиздан сочилар маржон,  
Изингизга илашган ҳар жон...

Қалбингизда қандай ваҳима ?  
Башорат ё қутқу, ваҳийми -

Огоҳ этар - қайғулар тенгсиз,  
Йўқоласиз дунёда менсиз.

Мен Қуёшман Ойни кўзлаган,  
Сиз-чи, Ойсиз - мен деб бўзлаган.

Келинг, қора кўзимга ботинг,  
Ботинимда тонг бўлиб отинг.

Мен ҳам чўкай қарофингизга,  
Зиё элтай қоронғунгизга.

Токи кейин тунги соядай,  
Чўкаётган сўнгги қоядай.

Ё қудуққа тушган тош каби,  
Ё сахрога томган ёш каби,

Ё булутдай - мангу қувилган,  
Ё гуноҳдай - охир ювилган...

Тўзғиб кетсин қора ваҳима -  
Башорат ё қутқу, ваҳийми...

2002

## Ұйын

Бу қиз билан ҳар куни  
Ўйнардик бекинмачоқ,  
Дарров топардим уни  
Деворга бекинган чоқ.

Қўл ушлашиб адирга  
Чопар эдик ҳаккалаб.  
Қайтардик кейин бирга,  
Қўймас эдим яккалаб.

Ишонмасдан, кўзимни  
Кафти билан ёпарди.  
Бекинарди. Мен уни  
Осонгина топардим.

Капалақдай беқарор,  
Оҳудай эди қочоқ.  
Кейин билсам, аслида  
Бу дунё - бекинмачоқ.

Бир кун огоҳ қилмасдан  
Бир бурчакка чекинди.  
Ўзи билиб-билмасдан  
Чимилдиққа бекинди.

Овоз бердим: "Бўлди, чиқ,  
Қанисан?.." - тинглар эди.



Лекин негадир пиқ-пиқ  
Чиқмасдан йиғлар эди.

Кирай десам ёнига,  
Тўсиқ бўлди янгалар.  
Игна санчиб жонимга,  
Дил дардимни янгилар.

Ташқаридан сўз қотдим:  
"Ҳаммаси ўйин эди,  
Кўз юмдиму - йўқотдим,  
Буёғи тўйинг энди..."

Шундан бери ҳар куни  
Ярамга тегинаман.  
Узоқдан кўриб уни,  
Шу заҳот бекинаман.

Эргашолмас изимдан,  
Ортимдан чополмайди.  
Кўриб турару зимдан,  
Ҳеч қачон тополмайди...

2002

## **Эртакдан сўнг**

Сал олифта эдим, сал хаёлпараст,  
Салга кўкка чиқиб, чўкардим чоҳга.  
Кўнглимда йўқ эди зигирдай ғараз,  
Баъзан шўнғисам-да ширин гуноҳга.

Дунёни меники дея ўйлардим,  
Дер эдим: севгида йўқ менга тараф.  
Қизларга шўх-хандон эртак сўйлардим,  
Сочимни гоҳ у, гоҳ бу ёнга тараб.

Ўрик гулларини сочарди баҳор,  
Мен эса сочардим кўнглим ўтини.  
Шаштимга шамоллар берарди баҳо,  
Қуёш нур сўрарди ҳар шом ўтиниб.

Мен-чи, эҳ, симириб гулларнинг бўйин,  
Шабнамларни қўшиб кўзим ёшига,  
Ажралиб кетолмас эдим тун бўйи -  
Кипригим илашиб қизнинг қошига.

Кейин тонглар отди... ёмон бўзариб,  
Кейин қуёш ўлди, сулайди ой ҳам.  
Барини айтайин десам, сўз - ғариб,  
Тилимга чиқолмас бўлганда бой ҳам...

Ва туйқус англадим: асл эртак шу,  
Бир борини кўрдим, энди йўғини  
Бир умр излайман - дилимда мангу  
Афсона уюми, эртак йиғини.

Қизлар-чи, паридай тарқалди-кетди,  
Кўзимга илашмас - қарай олмайман.  
Мени бу савдолар хўп оқил этди:  
Сочларим тўкилди... Тарай олмайман.

2002



## Гул

Сизни севар эдим, шубҳасиз,  
Сизни дея йўқ эди тинчим.  
Сиз - тақдирнинг ноёб туҳфаси,  
Менинг ёлғизгина севинчим.

Аммо тақдир устимдан кулиб,  
Иблисларни бир-бир уйғотди.  
Сизни менинг кўксимдан юлиб,  
Жаҳаннамнинг қаърига отди.

Қўл узатдим - қўлларим қисқа,  
Сизни сақлай олмадим омон.  
Қул бўлганча оловли ҳисга,  
Талпинаман энди сиз томон...

Аммо дўзах қани?!  
Ё, Раббим...  
Наҳот энди буям бир тузоқ?  
Ва ниҳоят, эй Гул англадим:  
Жаннат бўпти  
Сиз тушгач  
Дўзах!..

2005

## Оқ булут

Кўнглингизга олманг,  
Буям бир гап-да:  
Севги — осмондаги оқ булут экан.  
Мен сизни кўрмайман...  
Лекин ҳар ҳафта  
Мени уйингизга элтади экран.

Дастурхон бошида ҳамма жим қотар,  
Эрингиз юзида ёнар аланга.  
Ёстиқни дўппослаб,  
Бурчакка отар,  
Қимтиниб бурайсиз бошқа каналга.

Ўғринча қарайсиз,  
Гўё сиз айбдор,  
Гўё сиз туфайли эришдим шонга.  
Гўё фақат сизни кўрсин деб такрор —  
Чиқаман ойнаи жаҳонга...

Ҳолбуки, шу лаҳза юз минглаб мухлис  
Уйининг тўрида бўламан меҳмон.  
Бахтлиман — улашсам агар гўзал ҳис,  
Ахир, сўрамайман ҳеч кимдан ош-нон.

Бироқ сиз қамалган ушбу қўналға  
Мен учун берк эрур —

Ёқмас қиёфам.  
Эрингиз бурайди бошқа каналга,  
Сиз эса боқмайсиз қиё ҳам...

Сезаман,  
Гоҳида эшикни қулфлаб,  
Менга термуласиз,  
Кўзингизда ёш.  
Сўнг ўзни ташлайсиз ўринга,  
“Уф”лаб  
инграйсиз:  
Йўқ, бошқа беролмайман дош...”

Лекин ҳаёт бошқа,  
Лекин бурч бошқа —  
Қалбингизга асло солмайди қулоқ.  
Бошингизни ҳар кун урса-да тошга,  
Жилмайиб қарайсиз  
Миннатдор,  
Қувноқ.

Майлига,  
Ҳеч қайғу захрини тотманг,  
Тинч яшанг,  
Осуда бўлсин кўнглингиз.  
Фақат... гул юзига тарсаки тортманг —  
Шеъримни ёд олса ўғлингиз...

Азизам,  
 Суюклим,  
 Бевафо ёрим,  
 Бормисиз шу юртда соғу-саломат?  
 Мен-ку яшаяпман  
 Синса-да торим,  
 Ҳартугул омонман —  
 Бор экан омад...

Яна кўзларимда уйғонди юлдуз,  
 Юракка солдим ол шафақдан ямоқ.  
 Манглайингда қанча мўл эса-да туз,  
 Эркакка қисматдир —  
 Ялаб яшамоқ.

Сиз-чи,  
 Сув кафтида ўйнаб ўсган гул,  
 Айтинг, қандай экан ҳижрончўл боғи?  
 Нега кўксингиздан тўзғияпти кул?!  
 Нега кўзингиздан томчилар оғу?!

Биламан,  
 Осонмас сизга ҳам,  
 Аммо  
     Ўзингиз танлаган қисмат-ку,  
 Чиданг.

Мана, ўн йилки мен —  
Аламга ҳаммол,  
Кўтариб турибман бигиз учида...

Ҳеч ким кўмак бермас,  
Қилт этмас ҳеч ким —  
Ҳеч кимнинг ғарибга келмаскан раҳми.  
Айтишар: «бу далли дилингдан кечгин,  
Севги бу — аросат ва дўзах ваҳми...»

Улар қайдан билсин жаннат жамолин,  
Улар қайдан туйсин фирдавс бўйини?!  
Талашар фақат бир-бирининг молин,  
Билгани — дунёнинг чиркин ўйини.

Агар  
Йўл тополса,  
Қуёшни пуллаб,  
Ойни ёстик қилиб,  
Буклаб ётишар.  
Камалак учига сим-арқон улаб,  
Зериккан чоғлари ўйнаб тортишар...

Ахир, ўшалар-ку севгини сотган,  
Ахир, ўшалар-ку гулнинг ҳидини —  
Фаҳш ботқоғига кўмишаётган,  
Сўнг боғлаб қўйган нахс босган итини.



Мен-чи,  
Дилим яра,  
Пешонам қашқа,  
Бироқ саодатта элтар бу йўлак —  
Гарчи бойлигим йўқ ишқимдан бошқа,  
Гарчи суюнчим йўқ Худодан бўлак.

Олдинга чорлайди бир илоҳий куч,  
Тобора яқиндир, эй Гул, исингиз...  
Фақат...  
Айтиб қўйинг,  
Агар келса дуч,  
Ўғлимни

севмасин

қизингиз!..

2005



## *Кўзёшга қамалган фалак ичида*

*Мени файласуф деб ёв қилур хато...*

*Умар Хайём*

Шеър, бу - олам:

Мисралар - миллатлар, сўзлар - гуруҳлар, ҳарфлар инсонлар (унлилари - оқил, ундошлари - жоҳил)... Булар бирикиб, ТУЙҒУ ҳосил бўлади. Худди бутун борлиқ Оллоҳни тажассум этгандек... Уни фақат ҳис қилиш мумкин.

\* \* \*

Илҳомсиз ҳам мукамал шеър ёзиш мумкин. Бу шеър асрлар бўйи бузилмайдиган жасадни эслатади. Чунки сўз - вужуд, илҳом - руҳ...

\* \* \*

У аввал ғўлдираб қўйди. Кейин эса бурнини йириб, сафдошининг биқинига тўсатдан тушира кетди. Саф бузилди. Натижада бошқа сафдагилар ҳам мувозанатини йўқотди: тегра "урҳо-сур"га дўнди... Қиёмат... Эҳ... Бунча бадфеъл бўлмасанг-а, мисрага тушмаган сўз!?

\* \* \*

\* \* \*

Қорда ялангоёқ бола изини кўрдим. У  
ёзилмаган шеъримдай таъсирли эди.

\* \* \*

Ҳеч кимни қарғаёлмайман. Чунки шоир  
бўлишимга ҳеч ким сабабчи эмас.

\* \* \*

Ҳар бир шоир "Қайси биридан кечасан:  
"онангданми, шеърингданми?" деган са-  
волга жавоб топиб қўйиши керак.

\* \* \*

Биз ўлгудек худбинмиз. Бунини фақат ўзи-  
мизнинг шеъримиз чиққан газеталарни-  
гина сотиб олишимиздан ҳам билса бўлади.

\* \* \*

"Менинг шогирдларим одам эмас - шоир"  
деди машҳур адиб.

\* \* \*

Шеърларимни бузиб таҳлил қилгандан  
кўра мазоримда бекинмачоқ ўйнасангиз  
созроқ бўларди...

\* \* \*

Шоирлар - ёлғончи. Демак, бу гапим ҳам  
ёлғон!

\* \* \*

Тунги чақмоқни кўрганмисиз? Менимча,  
у ҳақиқий шеърнинг сурати бўлса керак.

\* \* \*

Шеърларимни сараларканман, кўпгина  
"бемаза"лари билан хайрлашимга тўғри  
келади. Шунда ота учун энг офир азму-  
қарор, гарчи ноқобил бўлса-да, фарзан-  
дини "оқ" қилиш эканини ич-ичимдан ҳис  
этаман.

\* \* \*

Мен мени эмас, шеърларимни севган  
қизларни севдим...

\* \* \*

Биринчи шеърим... биринчи севгим каби  
олис ва оловли нуқта.

\* \* \*

Шеър кучли қаҳқаҳа ёки ўкирикка ўхшай-  
ди. Уни ёлғондан бажариш учун киши  
Иблисдан таълим олган бўлиши керак.

\* \* \*

Хаёлимга келган фикрдан ҳайратландим:  
"Шоир ҳеч кимга бўйсинмаслиги керак.  
Ўзига ҳам".

\* \* \*

Онам шеъримни тушунтириб беришни  
сўраганида илк бор шоирлигимдан уялиб  
кетдим.

\* \* \*

Илтимос, "шоирман" деманг!

\* \* \*

"Камтарроқ бўл!" деди менга ёшлигида ўз асарларига ўзи яширин тақризлар ёзган "устозим".

\* \* \*

Менга ёзмоқчи бўлган марсиянгни тирик-лигимда ўқиб бера қол, дўстим!

\* \* \*

Мен шеърим билан бутун дунёни покламоқчи эмасман. Ўзимнинг юрагим тозарса ҳам катта гап.

\* \* \*

Буюк бўлишнинг йўллари кўп. Фақат одамлар эртага сени кўрсатиб "бу юк бўлди" дея пичирлашмаса бас.

\* \* \*

Шоирлар бошқалар олдида ўзларини фош этиб, ҳузур топувчи кишилар эмасмикан?!

1995

## *Мундарижа*

Шаррос шеър шуъласи. С. Ашур .....	3
"Наҳот ишқ..." .....	5
"Бу чексиз коинот..." .....	6
"Осмон мовий эмас..." .....	7
"Севаман..." .....	8
"Ишонаман сизга, азизим..." .....	9
"Сочингизни ўргим келади..." .....	11
"Кечирасиз, кўлимдаги най..." .....	13
Дарс .....	15
"Оқ олма..." .....	16
"Сенинг йўқлигингда..." .....	17
"Ўялапман..." .....	18
"Камалакнинг қайси рангига..." .....	19
"Уфқ..." .....	20
"Сен мени севмадинг..." .....	21
"Ёнаётган дилмас..." .....	22
"Азроил ҳуштагин чалган чоқ..." .....	23
"Яшил кўйлақларим тугади..." .....	24
"Айрилиқ - энг қадимий шароб..." ..	26
НИЛУФАР (достон) .....	27
"Ойчечак..." .....	53
"Она, мени қучоғингга ол..." .....	55
"Мени эслаб йиғлайсиз ҳали..." .....	56
"Хайр, хайр... балки алвидо..." .....	57
"Уфқимда қизарди минг чаман..." ....	58

“Аввалгидай ёнимда қолгин...” .....	59
Интиҳо .....	60
“Мени севма!” .....	61
Қишлоқ .....	62
“Унутгансиз мени...” .....	63
Қисмат .....	66
Нилуфар .....	66
Араз .....	67
Сўнги бекат (туркум) .....	68
“Бахтиёрсиз, чеҳрангиз гулгун...” .....	74
“Чиндан севганмидим...” .....	75
Қайтиш .....	76
Хавотир .....	78
Ўйин .....	80
Эртақдан сўнг .....	82
Гул .....	84
Оқ булут .....	85
Кўзёшга қамалган фалак ичида .....	90

**Нодир ЖОНУЗОҚ**

**СИЗНИ  
СЕВАР ЭДИМ**  
*(шеърлар)*

Муҳаррир:  
**Баҳриддин Абуसानа**  
Рассом:  
**Ортиқали Қозоқов**  
Техник муҳаррир:  
**Ихтиёр Саид**  
Мусаҳҳиҳ:  
**Ориф Тўхташ**

---

Босмахонага 2006 йил 10 февралда топширилади.  
Босишга 2006 йил 15 мартда рухсат этилди.  
Бичими 84X60 <sup>1</sup>/<sub>2</sub> Адади 1000 нуска. Фин қоғози.  
9-сон буюртма.

Баҳоси келишилган нарҳда.

“MUTARJIM” шўъба корхонаси матбаа бўлими,  
Тошкент шаҳри, Хуршид кўчаси,  
Қошиқчи 1-тор кўча, 1-уй.